

UZBEK LAW REVIEW



VOLUME 1
2025

**ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИ
ТАҲЛИЛИ**

UZBEKISTAN LAW REVIEW

**ОБЗОР ЗАКОНОДАТЕЛЬСТВА
УЗБЕКИСТАНА**

ИЛМИЙ ТАҲЛИЛИЙ ЖУРНАЛ	SCIENTIFIC ANALYTICAL JOURNAL	НАУЧНО АНАЛИТИЧЕСКИЙ ЖУРНАЛ
--------------------------------------	--	--

**2025
№1**

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ

БОШ МУҲАРРИР:

Гулямов Саид Саидахарович – юридик фанлари доктори, профессор.

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ АЪЗОЛАРИ:

Рустамбеков Исламбек Рустамбекович – ю.ф.д., профессор.

Хужаев Шохжон Акмалжон ўғли – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

Оқюлов Омонбой – ю.ф.д., профессор.

Эргашев Восит Ёқубович – ю.ф.н., профессор.

Махкамов Отабек Мухтарович – ю.ф.д.

Суюнова Дилбар Жолдасбаевна – ю.ф.д., доц.

Мусаев Бекзод Турсунбоевич – ю.ф.д., доц.

Беков Ихтиёр – ю.ф.д., проф.

Бозоров Сардор Сохибжонович – ю.ф.д., проф. в.б.

Хазраткулов Одилбек Турсунович – юридик фанлари номзоди, доцент.

Самарходжаев Ботир Билялович – ю.ф.д., профессор.

Ходжаев Бахшилло Камалович – ю.ф.д., профессор.

Нарзиёв Отабек Саъдиевич – ю.ф.д., проф. в.б.

Жолдасова Шахноза Батировна – юридик фанлар бўйича фалсафа доктори.

Маълумот олиш учун қуйидагиларга мурожаат этиш сўралади:

**Гулямов Саид Саидахарович,
Рустамбеков Исламбек Рустамбекович**
ТДЮУ, Халқаро хусусий ҳуқуқ кафедраси,
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047,
Сайилгоҳ кўчаси, 35. Тел: 233-66-36

"Ўзбекистон қонунчилиги таҳлили"нинг электрон
нускаси Интернетдаги www.library-tsul.uz ёки
www.lawreview.uz сайтида жойлаштирилган.

**Журнал 2013 йилдан Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамасининг Олий Аттестация
комиссияси журналлари рўйхатига киритилган.**

Ушбу журналда баён этилган натижалар, хулосалар, талқинлар уларнинг муаллифларига тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ёки Тошкент давлат юридик университети сиёсати ёки фикрини акс эттирмайди.

2025 йилда нашр этилди.

Муаллифлик ҳуқуқлари Тошкент давлат юридик университетига тегишли. Барча ҳуқуқлар ҳимояланган. Журнал материалларидан фойдаланиш, тарқатиш ва кўпайтириш Тошкент давлат юридик университети рухсати билан амалга оширилади. Ушбу масалалар бўйича Тошкент давлат юридик университетига мурожаат этилади. Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., 100047, Сайилгоҳ кўчаси, 35.

ISSN 2181-8118

Масъул котиб: **И. Рустамбеков**
Наشريёт муҳаррири: **Н. Ниязова**
Техник муҳаррир: **Д. Козимов**
Лицензия № 02-0074

Босишга рухсат этилди – 28.03.2025

Наشريёт ҳисоб табағи – 5

«IMPRESS MEDIA» босмахонасида босилди
Адади – 100 нуска.

ИЛМИЙ-ТАҲЛИЛИЙ
ЖУРНАЛ

1/2025

Саидмурадов Нажмиддин Набижонович
Сурхондарё юридик техникуми Мутахассис
фанлар кафедраси ўқитувчиси

ПРОКУРАТУРА ОРГАНЛАРИНИНГ ФАОЛИЯТИДА ҚўЛЛАНИЛАДИГАН ҲУҚУҚИЙ ВОСИТАЛАР

Аннотация. Мақолада прокуратура органларининг фаолиятида қўлланиладиган ҳуқуқий воситалар, ушбу махсус ҳуқуқий воситалардан фойдаланишнинг қонун устуворлиги, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигини таъминлашдаги аҳамияти, прокуратура органларининг назорат фаолияти тушунчаси, прокуратура органлари томонидан амалга ошириладиган назорат фаолияти йўналишлари, прокурорнинг ҳуқуқий воситалари орқали бажариладиган ижтимоий-ҳуқуқий вазифалар илмий таҳлил қилинган ҳамда бу борада тегишли тақлифлар илгари сурилган.

Калит сўзлар: прокуратура, ҳуқуқий давлат, қонун устуворлиги, халқ фаровонлиги, ҳуқуқий онг, ҳуқуқий маданият, ҳуқуқий восита, назорат, прокурор назорати, махсус ҳуқуқий восита, талаб, ижтимоий-ҳуқуқий вазифа.

Abstract. The article provides a scientific analysis of the legal instruments used in the activities of the prosecutor's office, the importance of using these special legal instruments in ensuring the rule of law, peace in the country and the well-being of the people, the concept of the prosecutor's control activities, the directions of the control activities carried out by the prosecutor's office, the social and legal tasks performed by the legal instruments of the prosecutor, and puts forward relevant proposals on this matter.

Keywords: prosecutor's office, rule of law, legality, public welfare, legal consciousness, legal culture, legal instrument, control, prosecutorial control, special legal instrument, demand, social and legal task.

Аннотация. В статье научно проанализированы правовые инструменты, используемые в деятельности прокуратуры, значение использования этих специальных правовых инструментов в обеспечении законности, мира страны и благополучия народа, понятие контрольной деятельности прокуратуры, направления контрольной деятельности, осуществляемой прокуратурой, социально-правовые задачи, выполняемые правовыми инструментами прокурора, и выдвинуты соответствующие предложения по этому поводу.

Ключевые слова: прокуратура, правовое государство, законность, общественное благосостояние, правосознание, правовая культура, правовой инструмент, контроль, прокурорский контроль, специальный правовой инструмент, востребованность, социально-правовая задача.

Кириш

Ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш жараёнида қонунийлик ва ҳуқуқ-тартиботни таъминлаш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикаси суверен, демократик, ҳуқуқий, ижтимоий ва дунёвий давлат ҳисобланиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилишда прокуратура органлари алоҳида ўрин тутди. Прокуратура органлари ўз фаолиятини амалга оширишда қонунда белгиланган махсус ҳуқуқий воситалардан фойдаланади.

Ҳуқуқий воситалар таҳлилида “ҳуқуқий” ва “восита” сўзларининг маъноси нимани англатиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳуқуқий – ҳуқуққа, одиллик ва адолатга оид; ҳуқуққа асосланган [1] деган маъноларда ифодаланади.

Восита деганда – чора, тадбир, усул, бирор мақсадга эришиш ёки бирон ишни амалга ошириш учун дастак бўлиб хизмат қиладиган нарсаси, қурол, умуман, бирон нарсани амалга ошириш учун хизмат қиладиган, фойдаланиладиган нарсаси, омил [1], иш ҳаракат қуроли [2] тушунилади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширади. Прокурор назорати – бу қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилишини таъминлаш мақсадида прокуратура органлари томонидан давлат номидан амалга ошириладиган махсус фаолият тури ҳисобланади. Прокуратура органлари фаолиятининг ҳуқуқий асосини Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни ва бошқа қонунчилик ҳужжатлари ташкил этади.

Прокуратура органлари ўз фаолиятида қуйидаги йўналишлар бўйича прокурор назоратини амалга оширади:

вазирликлар, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

фуқаронинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини таъминлашга қаратилган қонунлар ижроси устидан назорат қилиш;

Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида, вазирликлар ва идораларнинг ҳарбий тузилмаларида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш;

тезкор-қидирув фаолиятини, терговга қадар текширувни, суриштирувни, дастлабки терговни амалга оширадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

солиқ интизомини мустаҳкамлашга, солиқ, валюта соҳасидаги жиноятлар ва ҳуқуқбузарликларга қарши курашга, шунингдек давлатга етказилган иқтисодий зарарни қоплашга қаратилган қонунларнинг ижро этилиши устидан назорат қилиш;

ушлаб турилганларни, қамоққа олинганларни

сақлаш жойларида, жиноий жазоларни ва жиноят-хуқуқий таъсирнинг бошқа чораларини ижро этиш чоғида қонунларга риоя этилиши устидан назорат қилиш.

Б.Ҳ. Пўлатовнинг таъкидлашича, “прокурор назорати – давлат фаолиятининг шу давлат номидан амалга оширилувчи алоҳида мустақил кўриниши ва прокуратуранинг асосий, етакчи функцияси ҳисобланади. Айнан ана шу функция унинг давлат органи сифатидаги мутлақо ўзига хос мақомини, ижтимоий-сиёсий аҳамиятини белгилайди” [3].

О.М. Мадалиевнинг фикрига кўра, “прокурор назорати – дейилганида, Ўзбекистон Республикаси номидан, унинг ҳудудида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва бошқа қонунларининг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади” [4].

М.Ҳ. Рустамбаев, У.А. Тухташевларнинг таъкидлашича, “давлат номидан махсус ваколатга эга мансабдор шахсларнинг – прокурорларнинг қонун бузулишларини аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш, айбдорларни қонунда белгиланган жавобгарликка тортиш орқали қонунларни аниқ бажарилишини ва бир хилда қўллашни таъминлаш борасидаги амалга оширилаётган фаолияти ҳамда ҳуқуқни ҳимоя қилиш фаолиятининг асосий йўналишлари (функциялари)дан биридир” [5].

Назорат – текширувни ўтказадиган органнинг оператив-ҳўжалик фаолиятига аралашмасдан махсус прокуратура томонидан амалга оширилаётган функция бўлиб, у назорат қилинадиган органни ёки мансабдор шахсни қонун бузилишларини чеклаш ёки тўхтатиш мақсадида қонунийлик ва қонунийликни ўрнатишга ва мустаҳкамлашга кўмаклашиш мақсадида унинг касбий фаолияти қонунийлиги нуқтаи назаридан баҳолашдан иборат [6].

Назорат – Ўзбекистон Республикасида турли давлат органларининг қонунчиликни таъминлашга оид фаолияти шаклларида бири. Назорат – прокурор назорати, суд назорати ва маъмурий назоратга бўлинади. Прокурор назорати барча вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, мансабдор шахслар ва фуқаролар томонидан қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан прокуратура амалга оширадиган назоратдир [7].

О.В. Ворониннинг фикрича, “прокурор назорати – бу, авваламбор, прокурор назоратининг ҳуқуқий ва ижтимоий моҳияти, прокуратура органларининг ҳуқуқий ҳолати, шунингдек унинг фаолияти мақсадлари, вазифалари, функциялари, йўналишлари, шакллари ва усуллари тўғрисида билимлар тизимидир” [8].

Прокурор назорати – бу мустақил, ўзига хос давлат фаолиятининг туридир. Ушбу фаолиятни прокуратурадан бошқа ҳеч қайси давлат, жамоат,

ўзини ўзи бошқариш ёки бошқа органлар, ташкилотлар, муассасалар, мансабдор ёки жисмоний шахслар амалга оширишлари мумкин эмас [9].

Юқоридаги фикр-мулоҳазаларни таҳлил қилган ҳолда шуни таъкидлаш лозимки, прокуратура органларининг назорат фаолияти деганда назорат предметиға кўра бир-биридан фарқланувчи, мустақил, қонунчилик ҳужжатларининг аниқ ва бир хилда ижро этилиши устидан назоратни амалга оширувчи, қонун устуворлиги, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлигига хизмат қилувчи прокуратура органларининг давлат органи сифатидаги махсус фаолияти тушунилади.

Прокурорнинг ҳуқуқий воситалари қуйидаги муҳим ижтимоий-ҳуқуқий вазифаларни бажаради:

Қонунийликни таъминлаш. Прокурор воситалари орқали қонунга зид ҳаракатлар ва ҳужжатлар аниқланади, уларнинг бекор қилиниши ёки ўзгартирилиши таъминланади.

Инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш. Прокурор назорати орқали фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоя қилинади, бузилган ҳуқуқлар тикланади.

Жиноятчиликнинг олдини олиш. Прокурор огоҳлантируви ва бошқа воситалар орқали ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдини олиш таъминланади.

Давлат манфаатларини ҳимоя қилиш. Прокурор даъволари орқали давлат мулки ва манфаатларига етказилган зарарни ундириш таъминланади.

Ҳуқуқий тарбия. Прокурор фаолияти жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришга ҳисса қўшади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура органларига Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва мамлакатимиз ҳудудида амалда бўлган қонунчилик ҳужжатларига риоя этилишини назорат қилиш бўйича мураккаб ва масъулиятли вазифаларни, шунингдек инсон ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқладиган манфаатларини ҳимоя қилиш мажбуриятини юклаш орқали ушбу функцияларни бажариш ҳуқуқини берди.

Прокурорнинг ҳуқуқий воситалари қонунийликни таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишда муҳим аҳамият касб этади. Бу воситаларнинг самарали қўлланилиши жамиятда қонун устуворлигини таъминлашда, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда, жиноятчиликка қарши курашда муҳим роль ўйнайди.

Шу боис, прокурор ҳуқуқий воситаларини такомиллаштириш, уларнинг самарадорлигини ошириш ҳуқуқий давлат барпо этиш жараёнининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида жамиятда қонун устуворлигини, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қилади.

References:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати / А. Мадвалиевнинг таҳрири остида. – Тошкент:

Ўзбекистон миллий энциклопедияси, 2008. –Б. 569, 468.

2. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I (А-Р). М.Мағруфовнинг умумий таҳрири остида. – М., 1981 – Б. 180.

3. Пўлатов Б.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси прокуратурасининг конституциявий мақоми // Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ахборотномаси, №4 (32), – 2017. – Б. 27-28.

4. Мадалиев О.М. Прокурор назорати. Дарслик. Умумий қисм. – Т.:ТДЮУ нашриёти, 2009. – Б. 9-10.

5. Rustamboyev M.H., Tuxtasheva U.A. Sud va huquqni muhofaza qiluvchi organlar. Oliy o'quv yurtlari uchun darslik. T.: «ILM ZIYO», 2012. – Б. 365.

6. Нистратов С.Г. Контроль и надзор как гарантии законности (теоретико-правовой аспект). Автореф. ...дис. канд. юрид. наук. – Волгоград, 2012. – С.9. // https://static.freereferats.ru/_avtoreferats/01005512899.pdf.

7. Ўзбекистон Юридик энциклопедияси. – Тошкент.: Адолат, 2010. – Б.328.

8. Воронин О.В. Прокурорский надзор в Российской Федерации: вопросы Общей части: Учебное пособие. – Томск: Изд-во НТЛ, 2007. – С.5.

9. Прокурорский надзор: Учебник / Винокуров Ю.Е. и др.; Под общ. ред. Ю.Е. Винокурова. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Юрайт-М, 2001. – С.4.